

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

542 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш тўғрисида

Вазирлар Маҳкамасининг «Маҳаллийлаштириш дастурига тузатишлар киритиш механизмини содалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2009 йил 2 апрелдаги 94-сон қарорига мувофиқ ҳамда рақобатбардошли, экспортга йўналтирилган ва импортнинг ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни янада рағбатлантириш, тармоқ ичида ва тармоқлараро саноат кооперациясини, шу жумладан республиканинг кичик бизнес ва йирик корхоналари ўртасида мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурининг амалга оширилишини таъминлаш бўйича махсус комиссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарори билан маъқулланган 2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар,

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й.

бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига (кейинги ўринларда Маҳаллийлаштириш дастури деб аталади):

Маҳаллийлаштириш дастурининг 2а-иловасига Бутловчи узеллар ва деталлар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 1-иловага* мувофиқ янги лойиҳаларини киритиш тўғрисидаги;

Маҳаллийлаштириш дастурининг 3а-иловасига Маҳсулотларнинг тайёр турлари, хом ашё ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг 2-иловага* мувофиқ янги лойиҳаларини киритиш тўғрисидаги;

Маҳаллийлаштириш дастуридан корхоналарнинг тугатилганлиги, ички бозорда эҳтиёжнинг йўқлиги, шунингдек ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг нархи ва сифати бўйича рақобатга бардошли эмаслиги сабабли 3-иловага* мувофиқ лойиҳаларни чиқариб ташлаш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, ушбу қарор билан Маҳаллийлаштириш дастурига киритилган лойиҳаларни амалга оширувчи корхоналарга Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2009 йилда саноат кооперацияси асосида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастури тўғрисида» 2009 йил 27 январдаги ПҚ–1048-сон қарорининг 3-бандида назарда тутилган имтиёзлар божхона тўловлари бўйича — ушбу қарор қабул қилинган вақтдан бошлаб, солиқлар бўйича эса — 2009 йил 1 декабрдан бошлаб қўлланади.

3. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазириликнинг ташаббускорлари билан биргаликда икки ҳафта муддатда 1 ва 2-иловаларга мувофиқ маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотларни ишлаб чиқариш юзасидан ишлаб чиқаришни ташкил этиш ҳамда прогноз ҳажмларини бажаришнинг тармоқ жадвалларини тасдиқласин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2009 йил 15 декабрь,
314-сон

* 1 — 3-иловалар рус тилидаги матнда берилган.